

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь кунини Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Сабоҳ Халид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юрти-мизга ташрифи билан қутлади ва Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳга чуқур ҳурмат-эҳтиромини изҳор этди.

Сабоҳ Халид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ Кувайт Амирининг салом ва эзгу тилакларини етказди.

Суҳбат чоғида ушбу учрашув икки томонлама дўстлик робитасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Кувайтнинг қатор минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашув ва қарашлари ўхшаш, кўп жиҳатдан бир-бирига яқиндир. Икки давлатнинг долзарб муаммоларни ечиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларни бартараф этиш ва хавф-хатарларнинг олдини олиш масалаларига қараши бир хил.

Ўзбекистон Кувайт билан турли нуфузли халқаро анжуманлар ва тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга, 2008 йилда Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга ташрифлари икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги суръат бахш этиб, ўзаро ҳамкорликни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди. Мазкур ташрифлар доирасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Учрашувда Ўзбекистон – Кувайт муносабатларини янада юқори босқичга кўтариш, ҳамкорликнинг янги саҳифасини очиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва сармоявий шериклик қўламини ошириш мақсадида келаси йилнинг биринчи чорағида ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг мажлисини ўтказишга келишиб олинди. Комиссияга икки томондан ҳам Бош вазирнинг биринчи ўринбосари мақомида раислар тайинлангани Ўзбекистон ва Кувайтнинг катта иштироки ва алоҳида иштиёқ билан ишга киришадиганидан далолат беради.

Бу ўринда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дас-

турларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунгача мазкур жамғарманинг имтиёзли кредитлари ҳисобига сув таъминоти, транспорт инфратузилмаси ва тиббиёт соҳаларида умумий қиймати 60,6 миллион АҚШ долларига тенг 3 лойиҳа амалга оширилган. Шунингдек, кардиохирургия, ирригация ва автомобиль йўлларини таъмирлаш соҳаларида 72,5 миллион долларлик яна 4 лойиҳа ижроси давом этмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Кувайт вакиллари юртимизда ташкил қилинаётган турли маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2007 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Кувайт олий маданият ва санъат институтининг мусикий гуруҳи бош совринни кўлга киритган.

Муносабатларни ривожлантиришга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида турли даражаларда, жумладан, олий даражада ўзаро ташрифларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Кувайтга бўлажак ташрифи бу борадаги келишувларни рўйбга чиқаришда муҳим қадам бўлиши қайд этилди. Шавкат Мирзиёев фурсатдан фойдаланиб, Кувайт Давлати Амирини Ўзбекистонга таклиф қилди.

Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашининг Тошкентда "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ташкил этилган 43-сессиясида ушбу тузилмага раислик Кувайт Давлатидан Ўзбекистон Республикасига ўтди. Шу муносабат билан Кувайт томони Ўзбекистон раҳбариятининг ташкилотга раислик даврида амалга ошириш борасида илгари сурган таклиф ва ташаббусларига юксак баҳо бериб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини, бу йўналишда кенг қўламли ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев Ислоҳ тараққиёт банки (ИТБ) президенти Бандар Ҳажар билан ҳам учрашув ўтказди.

Давоми 2-бетда. ➡

ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2016 йил 18 октябрь кунини Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашининг 43-сессияси бошланди.

Ташқи ишлар вазири кенгаши Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг энг муҳим тузилмаларидан бири бўлиб, унинг сессияси ҳар йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади. 2015 йилда Ал-Кувайт шаҳрида бўлган 42-сессияда навбатдаги сессияни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2016 йил 19 августдаги Қарорига мувофиқ ушбу халқаро анжуманга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Сессия тадбирлари учун барча зарур шароит яратилди.

Сессияда Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазири, ташкилотнинг ёрдамчи ва махсус муассасалари раҳбарлари, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Италиянинг ИХТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕХХТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор тузилмалар вакиллари иштирок этмоқда.

Сессияни Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашининг амалдаги раиси, Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари,

ташқи ишлар вазири шайх Сабоҳ Халид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ кириш сўзи билан очди.

Қуръон тиловат қилинди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур таъзия изҳор этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданий Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадида улкан ишларни амалга оширганини, ислом дини ривожига муносиб ҳисса қўшганини, бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилаётганини

алоҳида таъкидлади. Сессияга юксак даражада тайёргарлик кўрилганини қайд этиб, мамлакатимиз ҳукуматида самимий миннатдорлик билдирди.

Сессия Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таклиф этган "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ўтмоқда. Анжуман иштирокчилари мазкур ғоя Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг бузғунчи мафкурага қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёш авлодда муқаддас ислом дини қадриятлари ҳақида тўғри фикр шакллантириш, юксак маънавият ва билимли ёшларни тарбиялаш орқали фаровонликка эришиш каби устувор мақсадларига мос эканини таъкидлади.

Давоми 2-бетда. ➡

❑ Болалар спорти

ЯНГИЙ ЎЛДА ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

"Бугун – истисноддир ёшларимизнинг халқаро спорт мусобақаларида эришадиган ғалабалари кундалик воқеалардан бирига айланиб қолди. Аслида бундай лаҳзаларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Чунки, жаҳон майдонларида ғалабага эришиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор яратиш керак. Мураббий сифатида шуни фахр билан айта оламаники, Ватанимиз шон-шухратини дунёга ёйишга хизмат қилаётган бундай муваффақиятларимизнинг асосини Биринчи Президентимиз яратиб берди".

Давоми 4-бетда. ➡



21 октябрь –
Ўзбек тилига
Давлат тили
мақоми
берилган кун

Бу савол кимларнидир ҳайрон қолдириши табиий. Аммо, истибод йилларининг гувоҳи бўлганларга яқин ўтган замон кечмишларини ёдга солиши аниқ. Зеро, 25 йиллик рўшнолик саодатидан баҳраманд ёшлар учун бу эртақнамо воқеликлар ҳаётини сабоқ бўлса ажабмас.

«ЎЗ ТИЛИМДА
ГАПИРСАМ
МАЙЛИМИ?...»

...Бир жамоада оз эмас, кўп эмас, 97 киши меҳнат қилар, уларнинг 7 нафари ҳукмрон мафкура вакиллари бўлсада, қолган тўқсон аъзо ўз тилида эмас, улар тилида сўзлашга мажбур эди. Бу ҳолат ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераётган ёш ўқитувчига малол келди-ю, бир мажлисда қўл кўтариб: "Ўзбек тилида гапирсам майлими?" деб рухсат сўради. Бир оз ғала-ғовур ўрнини сукунат эгаллади. Ахир, биргина шу саволда ўша тўқсон нафар миллатдоши-мизнинг армонлари акс этиб турган эди-да.

– Унинг ўзбек тилидаги маърузасини ички қониқчи, чуқур ҳаяжон билан тинглаганимиз ҳамон ёдимда, – дейди кекса муаллим. – Ўша даврларда ўз фарзандларимизни ўзимиз манкуртликка маҳкум этаётганимизни билмасмидик?! Билардик...

Давоми 2-бетда. ➡

Давоми 3-бетда. ➡

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида "юксак иродали инсонга суяниш мумкин"лигини таъкидлаган: "Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгилшга ҳаракат қилади".

Бугун Ўзбекистон ҳукумати порталида фаол ишлаётган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига (pm.gov.uz) юртдошларимиздан муаммолари, ариза ва шикоятлари тезда ҳал қилингани учун миннатдорлик хатлари, ҳаётини тақдирлар келиб тушмоқда. Уларни ўқиркансиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги "Куч – адолатда" шиори бар-

ҳаёт ва бардавомлигига, Биринчи Президентимиз таъкидлаган "ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч" ҳикмати нақадар ҳаётини ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласиз.

Янгийўллик Алишер Турсунов шу йил бошида туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб чиқиш комиссияси ўтказган танловда ғолиб бўлиб, 38 гектар ерда "Бахт Камол Эрки" фермер хўжалигини ташкил этган. Фермернинг айтишича, бу йил ғалла шартномасини 110 фоизга бажариб, нияти ғалланинг пулига кичикроқ бир трактор сотиб олиш эди. Бироқ "Ўздонмаҳсулот" АҚ таркибидаги "Ғалла-Алтег" акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 50 миллион сўм пулини бермай, тадбиркорни уч ой сарсон қилган.

– Шу уч ой ичида деярли барча ваколатли ташкилотлар-

нинг "Ишонч телефони"га кўнғироқ қилдим, фойдаси бўлмади, бу ёқда ерни ҳайдаб берган тракторчилар кунора уйимга келиб пулини қистайди, – дейди А. Турсунов. – Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаатимдан сўнг уч ойда битмаган ишимни уч кунда ҳал қилиб беришди: кўнғилим тоғдай кўтарилиб кетди, тракторчилардан ҳам қарзимни уздим. Бу виртуал қабулхона биз, тадбиркорлар учун суянч тоғи бўлмоқда, бу бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб боришида самарали восита, ойдин кўзгуси бўлмоқда. Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидан Гулихон Вафоева 6 октябрда жўнатган хатига шундай ёзади: "Ҳурмат-

ли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири. Сизга уч масала бўйича амалий ёрдам сўраб, ариза ташлагандим: оилавий, қишлоқ шароити ва "Ucell" компаниясида мобил алоқа яхши эмаслиги ҳақида. Мутасаддилар келиб, оилавий ва қишлоқ ҳўжалиги масалаларини ҳал қилиб беришди. "Ucell" компанияси вакиллари қишлоғимизга антенна ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Қишлоқда яшаётган биздек оддий фуқароларнинг дардига қўлоқ тутиб, масалаларимизни ҳал этиб бераётганингиз мисолида сизнинг Биринчи Президентимиз ғояларига нақадар содиқ эканингизга амин бўлдим".

Яна бир мисол: Бухоро вилояти, Олот туманида истиқомат қилувчи Норжон Сафарова яқинда дўкондан икки қоп ун сотиб олади. Айтишича, аввало, пластик картонка орқали

савдо қилгани учун унга унни қимматроқ сотишади. Боз устига биринчи нав деб берилган ун анча сифатсиз бўлиб чиқади. Н. Сафарова дўкондор билан келишолмагач, адолат излаб туман солиқ идорасига боради. У ерда аёлга Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилишни айтишади. Қўмитанинг ҳудудий бошқармасидан Норжон опани Олот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишади. Бу ерда Н. Сафарова сифатсиз унни лаборатория текширувидан ўтказиб, шу хулоса асосида судга мурожаат этиши керак эди. Икки қоп ун келтирилган шунча даҳмазадан боши гангиган аёл "икки қоп унга қуйдим-да", деб шалвираб уйига қайтаркан, телевидение орқали

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитиб қолади. – Дарҳол 10-00 қисқа рақамга мурожаат қилдим, масала тезда ҳал бўлди, – дейди Н. Сафарова. – Ишим-ку битди, лекин ўйлайман-да: одам ҳатто айтишга ҳижолат бўладиган шундай кичик масалани Бош вазир даражасигача олиб бориш керакми? Шуларни туман доирасида ҳал қилса бўлмай-дими? Бунга нима ҳалал беради? Ҳаммага маълум гап: қуйи бўғинлардаги айрим раҳбару ходимлар қоғозда гўё ҳамма масалани ҳал қилаверар, бу муаммолар аслида ҳаётда ечилимай ёки ахвол ўзгаришсиз қолаверарди. Энди ҳеч ким бундай қилолмайди. Чунки Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси мамлакатимизнинг барча жойидаги асл вазиятни ойнадай кўрсатиб беришмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шавкат Мирзиёев меҳмонни мусулмон дунёсининг энг нуфузли молия муассасаларидан бирига раҳбар этиб тайинлангани муносабати билан табриклаб, ИТБ бундан буён ҳам бутун ислом умматининг бирдамлиги ва барча аъзо мамлакатлар ривожига муносиб ҳисса қўшаверишига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, айниқса, томонлар ижтимоий ва иқтисодий йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида кенг қўламли ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди. Ислон тараққиёт банки томонидан шу кунгача Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларга оид 26 лойиҳа ижроси учун 1,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, алоқаларни янада тараққий эттириш, янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Фойдаланилмаётган имкониятларни ўрганиш ва ишга солиш, янги лойиҳалар тузиш, шериклик қўламини кенгайтириш мақсадига турли даражадаги делегациялар алмашуви бўйича аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ИТБ билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир. Шу муносабат билан мамлакатимиз 2017-2019 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий йилнинг ўзида қабул қилишга тайёр. Айни пайтда ушбу стратегияга қиритиш учун умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 21 лойиҳа бўйича тақлифлар тайёрлаб қўйилган.

Меҳмон Ислон ҳамкорлик ташки-

лотининг Тошкентда "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ўтаётган анжуманига таклиф қилгани ҳамда ўз нутқида ИТБ фаолиятига юксак баҳо бергани учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларни ривожлантириш борасидаги барча тақлифларини қўллаб-қувватлашини, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишга тайёрлигини билдирди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббусини рўйбга чиқариш – Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи хузурида нафақат ислом маданияти, балки умуминсоний цивилизация равнақиға беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки истисқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Бу ташаббус негизидаги "жаҳолатга қарши маърифат" тамойили ислом динини унга путур етказадиган сохта ғоялар орқали эмас, балки Имом Бухорий, Имом Термизий, Махмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби даҳолар меросидан ўрганишга, мана шу умум-этироф этилган диний-маданий ва илмий бойлиқни бутун дунёда кенг тарғиб этишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Бандар Ҳажар мазкур ташаббусни юксак баҳолаб экан, бундай эзгу ғоялар мусулмон оламининг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга ва умумий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ислон тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакатимиз ҳудудида қадим цивилизациялар мужассамлашган. Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Махмуд Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний, Муҳаммад Қафқол Шоший, Абдуллоҳиқ Фихдунбий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби боболаримиз жаҳон илм-фани, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган.

Мустақиллик йилларида Ислон Каримов раҳнамолигида диний қадриятларимиз тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун асосида виждон эркинлиги кафолатланди. Диний қадриятларни ўрганиш, диний амалларни бажариш учун кенг эркинлик ва шароит яратилди. Қуръони карим ва унинг тафсирилар, Ҳадиси шарифлар ва бошқа муқаддас китоблар ўзбек тилида кўпмунг нусхада нашр этилмоқда. Улуғ аждодларимиз қадимжолари обод этилди, юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди.

Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ва бир қатор махсус таълим масканлари фаолият юритмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда.

Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратлариға бориб келмоқда. Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислон ҳамкорлик ташкилотига муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли касб этган.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон моҳаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашуви, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган.

Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган. ИХТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари

ри фаолият юритмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда. Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратлариға бориб келмоқда. Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислон ҳамкорлик ташкилотига муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли касб этган.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон моҳаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашуви, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган. Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган. ИХТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари

ри фаолият юритмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда. Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратлариға бориб келмоқда. Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислон ҳамкорлик ташкилотига муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли касб этган.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон моҳаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашуви, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган. Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган. ИХТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари

ри фаолият юритмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда. Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратлариға бориб келмоқда. Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислон ҳамкорлик ташкилотига муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли касб этган.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон моҳаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашуви, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган. Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган. ИХТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари

ри фаолият юритмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда. Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратлариға бориб келмоқда. Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислон ҳамкорлик ташкилотига муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли касб этган.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон моҳаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашуви, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган. Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган. ИХТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари

Анвар САМАДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги "Техуеп" МЧЖ Россияга калава ип маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзолаган. Шу йил 1 октябрда "Агробанк"нинг Марғилон шаҳар филиали ва Фарғона вилояти божхона бошқармаси уланган ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида юз берган носозлик туфайли экспорт тўхтаб қолади. "6 октябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ва божхона ходимларининг хизматлари туфайли 7 октябрда корхонамиздан 42 минг АҚШ долларини маҳсулот экспорт амалга оширилди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиб, хорижий ҳамкорлар олдида юзимишни ёруғ қилгани учун Ўзбекистон Бош вазиридан миннатдоримиз", дейилди "Техуеп" МЧЖ директори ўринбосари Авазхон Мўминовнинг рtm.gov.uz манзилига жўнатган хатда.

Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайд. Қўламли, моҳият-этиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лошак битта масала ҳечилса ҳам, шу ҳолнинг давлат ечимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У энди тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш завқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўшишга чоғланади. "Маҳалламизда цемент қоплаш ишлари бажарилаётгани оқибатида зарарли чангдан ён-атрофдаги 40-50 хонадон аҳли, айниқса, фарзандларимизнинг тез-тез аллергия бўлишидан азият чекаётган эдик. Бир йил давомида жавобсиз қолган аризамизни беш кунда ҳал қилиб бергани учун барчамиз Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдоримиз. Экология соҳаси ходимлари келиб, бу муаммага чек қўйишди", дея хат йўлла-

ган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Музафар Абдурахмонов. "2014 йилдан бери ҳовлимнинг кадастр ҳужжати-ни қиллолмаётган эдим. Виртуал қабулхонага мурожаатимдан бир кун ўтиб, уйимга туман кадастр хизмати ходимлари келиб, ҳовлимнинг кадастр ҳужжати тайёр эканини айтишди. Бу портал – чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечимини акс этадиган кўзгү бўлмоқда. Бунга ўз ҳаётида амин бўлдим", дея миннатдорлик хати йўллаган Тошкент шаҳри, Миробод туманида истиқомат қилувчи Саида Содикова.

Чирчиқ шаҳридан Темур Киндус шундай ёзади: "4 октябрда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали ходимларининг миллий валютани хорижий валютга конвертация қилиш бўйича берган рад жавоби юзасидан қилган мурожаатим эртаси қуниёқ ҳал бўлди. Муаммоларга шундай тез суръат билан самарали ечим топишга хизмат қилган виртуал қабулхонага раҳмат айтаман". Ёки Навоий шаҳридан Байтаиёр Ёсеинов ҳам ўз хатда рtm.gov.uz манзилига мурожаатдан сўнг "қисқа вақтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодий фаолият миллий банки 500 АҚШ долларини конвертация қилиб берган"ини ёзган.

Ижтимоий муаммолар ҳақида гап кетар экан, бу борада коммунал соҳа ҳамон энг оғриқли экани барчамизга аён. Эътиборлиси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига коммунал соҳадаги муаммолар ҳал этилгани боис кўплаб миннатдорлик хатлари келмоқда. Хусусан, мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Дилшод Абдувалиев, Миробод туманида истиқомат қилувчи Ойтула Солиҳова хонадонларида газ таъминотидан нотўғри ҳисобланган катта миқдордаги қарздорлик бекор қилинди. Ол-

хон Ибрагимов "Катта раҳмат, прокуратура ходимлари электр таъминотини тиклашга ёрдам беришди. Ҳар қандай мурожаат ниҳоятда тезкорлик билан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда", деб ёзади, "Бундай тезкорлик ва ҳозиржавобликка қойилмиз! Шикоятимиз дарҳол ўрганилиб, муаммо барҳам топди: ҳовли саҳни тоза, озода, ҳамма ахлат олиб ташланиб, ён-атроф тартибга келтирилибди. Барчаси учун катта раҳмат!", дея раҳмат йўллаган чилонзорлик Анастасия Ли.

Турли масалаларда ёрдам ва кўмак сўраб қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида ҳал бўлмоқда. Бухоро тумани "Шергирон" қишлоқ фуқаролар йиғинидан Нигинабону Бақоева шу йил 25 сентябрда юборган мурожаати асосида иш билан таъминланди. Фарғона шаҳридан Рўзмажгон Аҳмедов "мурожаатимдан сўнг мени Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонасига чақиритиб, яқин кунларда иш берилишини айтишди. Ишга киришимдан ҳам кўра, Бош вазиримизнинг биздай оддий фуқароларнинг мурожаатига шундай юксак эътиборидан беҳад қувондим", деб ёзади. Хоразм вилояти, Урганч туманидан Ойбек Эрназаров ҳам ёрдам сўраб ёзган мурожаати эътиборга олингани учун бир умр миннатдор эканини ўз хатида таъкидлаган: "Бугун уйимизга ҳокимиятдан мутасаддилар келиб, сингилмни тез орада Тошкентга юбориб, жарроҳлик амалиёти ўтказишга ёрдам беражакларини айтиб кетишди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмаймиз". Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида яшовчи Шахрибону Ахтамовани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига чақириб, санъатда ўз йўлини топишга ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган хатлар орасида бу

хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, миннатдорлик билдирилган тилаклар жуда кўп. Уларни бир жиҳат биланлаштириб туради: Биринчи Президентимиз Ислон Каримов асос солган ва бошлаб берган кенг қамровли ислохотлар катта шиддат ва куч-ғайрат билан изчил давом эттирилаётгани халқимиз руҳини янада кўтармоқда, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Термиз шаҳридан Отабек Нормуродов, Навоий вилояти Кармана туманидан Дилбар Мутинова каби тадбиркорлар Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевга шу йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулк ҳимояси, унинг дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ривожига бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилишини айтиб, самимий миннатдорлик изҳор қилган.

Виртуал қабулхонага ёшларимиздан ҳам кўплаб хатлар келиб тушмоқда. Чилонзорлик "Қамолот" ЁИҲ фаоли Дилара Мелдбекова мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги кўп қаватли тураржойлар барпо этиш борасидаги хайрли ташаббус, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-ни Академик лицейи ўқувчиси Тўра Тўраев лицейи ёшлари номидан давлатимизнинг навқирон авлод қамолотиға кўрсатаётган куч эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирган. Улар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-мактабнинг 5-синфда ўқийётган Эмир-Асан Бокиевнинг Ўзбекистон

Бош вазирига ёзган хати эътиборимизни тортди: "Бугун Сизнинг Сергели туманидаги мактаблардан бирига борганингизни эшитиб, синфдошларим билан шу хатни ёзишга келишдик. Барчамиз Сизнинг мактабимизга келишингизни жуда хоҳлардик. Мен сурат чизишга жуда қизиқаман. Сентябрда "Самарқанд" картинасини чиздим. Агар мактабимизга келсангиз, шу суратни Сизга совға қилимоқчи эдим".

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далolat. Бунда мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Бош вазир даражасида кўрилатганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Бироқ шикоят қилувчи буни ўз вақтида англаб етиб, тан олса – бу ҳам маданият ва маънавий етуқлиқнинг бир ифодаси. Мазкур виртуал қабулхонага келаётган мурожаатларда ҳам бунини кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилояти, Кўшқўлпар туманидан Ринат Абборов ўз хатида шундай ёзади: "2016 йил 29 сентябрда дадамнинг умумий аҳоли ва уни мунта

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи" Қонунининг 16-, 17-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тўғрисида"ги 2016 йил 9 сентябрдаги 728-сонли қарорининг 16-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чир-

чиқ шаҳарлари ва Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Оҳангарон, Оққўрғон, Зангиота, Қибрай, Қуйи Чирчик, Паркент, Пискент, Чиноз, Ўрта Чирчик, Оқори Чирчик, Янгийул туманларида 2016 йил 7-8 октябрь кунлари ўтказилган Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент

вилояти округи ҳудудида ташкил этилган 875 та участка сайлов комиссияларининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Участка сайлов комиссияларининг таркиби маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш округ комиссияси раиси ўринбосари М. Юлдашева зиммасига юклатилсин.

10-Тошкент вилояти округ
сайлов комиссияси раиси

Х. ҲАМИДОВ.

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 октябрь.

Сайлов – 2016

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳасимжон Ҳамидов олиб борди.

Округ сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияси матбуот маркази ходимлари ва журналистлар иштирок этган мажлисда 10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудидаги участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркибини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи"ги Қонун талабларига мувофиқ, сайлов участкалари комиссиялари таркиби-га номзодлар тавсия этилди. Номзодлар орасида педагоглар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари кўпчиликти ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудидаги мавжуд 875 та сайлов участкаларида жами 1 миллион

943 минг 289 сайловчи овоз бериши кутилмоқда.

Сайлов қончилигига оид маълумотлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситалари кўринарли жойга илб қўйилишига эътибор қаратилди.

Участка сайлов комиссияларининг таркиби ва овоз бериш биноларининг манзили, сайлов участкасининг чегараси тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Участка сайлов комиссиялари таркиби халқ орасида обрў-эътиборга, етарли сиёсий билимга эга, сайлов қончилигини чуқур биладиган ва, энг асосийси, ҳеч қайси партияга аъзо бўлмаган шахслардан танлаб олинди, деди 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Х. Ҳамидов.

Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 52 фоиздан ортиги аёллардан иборатдир. Йигилишда қўрилган ма-

салалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди. Унда 875 та участка сайлов комиссиясига 8 минг 173 аъзо таркиби тасдиқлангани ҳамда вилоятда сайловни ўтказишга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси томонидан сайлов округи ҳудудидаги участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилишга оид онлайн семинар ташкил этилди.

Тадбирда округ сайлов комиссияси аъзолари, сайлов комиссияси қошидаги матбуот маркази ходимлари, шаҳар ва туман студияларида ҳудудий ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи

участка сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараёни очиклик, ошқоралик ва тенглик принциплари асосида ўтказилишини таъминлаш участка сайлов комиссияларининг асосий вазифасидир. Шу билан бир қаторда, сайлов участкаларини зарурий воситалар билан жиҳозлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг вазифалари, комиссия аъзоларининг сайловга оид билимларини ошириш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва сайлов жараёнларини ўтказиш ҳамда якунларини аниқлаш масалаларида маъруза қилдилар. Шунингдек, сайлов участкаси биноси ва участка комиссияси аъзолари учун ажратилган хоналар ва улар жойлашган ҳудудларни обodonлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Семинар-тренинг



ФАВҚУЛОДДА МУҲИМ САБОҚЛАР

Чиноз туманидаги 723-сайлов участкасида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан махсус семинар-тренинг ташкил этилди.

Сайлов пайтида хавфсизликти таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатда тўғри ҳаракат қилиш мавзудаги амалий мулоқотда тумандаги 37 та сайлов участкаси раислари, туман ёнгин, сув, газ, электр, алоқа ва хабарлаш, санитария нazorати бўлимлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сайловга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш, жумладан, сайлов участкаларининг ёнгин, газ,

сув, электр, алоқа ва санитария жиҳатдан тайёргарлигини яна бир бор назоратдан ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари раислари ва мутасадди вакиллarga зарур тавсиялар берилиб, фавқулодда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилишга доир буклет ва эс-латмалар тарқатилди.

Семинар якунида иштирокчилар учун махсус тактик ўқув машқи ташкил этилди.

Азиз ИСРОИЛОВ,
Даврон АХМАД
олган сурат.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19 октябрь кунини Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнгиғарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илб бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёнгиғарчилик бўлади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсётган шамол кучайиб, баъзи жойларда секундига 15-20 метргача етиши мумкин.

ТАРҒИБОТ ВА МОҲИЯТ

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлимининг ҳамкорлигида "Сайлов қончилигига қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти" мавзуда амалий семинар бўлиб ўтди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирокидаги йиғилишда сўнгги йилларда сайлов қончилигига қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оши-

рилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда сайловда халқаро ва хорижий кузатувчилар фаолиятига оид масалаларда батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир якунида сайлов юзасидан ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада кучайтириш борасидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Аср вабоси

ОХИРИ «ВОЙ» ИЛЛАТ

Иллатлар орасида одамлар саломатлиги ва тақдирини учун ҳам, жамият барқарорлиги учун ҳам энг хавфлиси гиёҳвандликдир.

Ҳар бир гиёҳванд ўз хо-лиши-иродаси билан ёки тушунлиқ ҳолатида қай-фиятини кўтаришга кучли эҳтиёж сезганда, ўзини безовта қилаётган чарқоқ-лик ва ҳаётдан қониқмас-лик, шунингдек, руҳий қаш-шоқлик, диққинафаслик каби ҳиссиётлар исканжа-сидан вақтинчалик бўлса ҳам қутулиш мақсадида ги-ёҳванд моддани илб бор-татиб кўради ва бир умр боғланиб қолади.

Гиёҳвандликка дучор қилувчи омиллар кўп. Жум-ладан, инсон иродасизли-ги, бемаъни табияти, қоби-

лиятсизлиги, одамлар би-лан чиқишиб кетолмаслик каби кучли руҳий таъсир-лар сабабли шу иллат кўча-сига кириб қолиши мум-кин. Ўсимирлар эса гиёҳ-вандлик моддаларини ис-теъмол қиладиган катталар-га тақдир қилиши, унинг "мўъжизали таъсирига" ишониши, бошқаларнинг иродасига сўзсиз бўйсун-иши оқибатида ушбу оғу ту-зоғига илиниб қолишади.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар даст-лаб руҳан, сўнгра жисмо-нан унга боғланиб қолади-лар. Сурункали истеъмол

Ахир, онадек табар-рук, Ватандек азиз она тилимиз – ўзбек тили дарслари ҳафтада 2 мартагина ўтилса-ю, 5 кун давомида ўзга тил ўқитилса, бундан ортиқ лоқайдлик бўлмас мил-лат тақдирини учун. Та-рихда бу каби ҳолатлар кўп бўлган. Аммо, она тилимизнинг аллома Мир Алишер Навоий, Атоий, Лутфий, Мирзо Бобур каби ҳимоячи-лари ҳам бўлганки, ўзбек тили тараққиёт-дан бебаҳра қолмаган. Лекин, собиқ тузум унинг йўлларини кў-ринмас девор билан тўсиб қўйган эди. Шукрим, мустақиллик туфайли тўсиқлар бар-ҳам тоғди, миллий қад-риятларимиз, энг ав-вал она тилимиз рўшноликка чиқди ва тараққиётга юз тутди. Абдулла Қодирий, Аб-дулла Қаҳҳор, Абдура-уф Фитрат, Абдулла Авлоний, Беҳбудий каби миллат жонқуяр-ларининг, қўйингки, бутун ўзбек халқининг армонлари ушалди. Мустақил Ўзбекистон-нинг Биринчи Прези-денти Исмоил Каримов-нинг чексиз жасорати билан, ҳали истибоддод кишиларни парчалан-маган бир даврга – 1989 йилнинг 21 октя-брида ўзбек тилига Дав-лат тили мақоми бе-рилди. Шундай қилиб, бой, гўзал, баркамол ўзбек тилининг қадри тикланди. Алҳол, она тилимизнинг янада та-раққий этиши учун кенг йўл очилди.

Аммо, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳали авж пардага кўтарили-ши, атоқли адимиимиз айтганидек, "тил та-раққий этган сари чи-галликлардан қутулиб бориш"га мустақкам замин яратилиши за-рур. Зеро, Эркин Во-хидов айтганидек: "Жонқуяр аждодлари-миз сонсиз лугатлар тузиб, келажак авлод-

улкан бурч турибди". Ҳақиқатан ҳам, ис-тиқололимиз берган имкониятдан оқилона фойдаланиш, бу юксак маънавиятга эришиш учун амалга оширил-ган улкан жасорат, заҳ-матли меҳнат қадрини ошириш барчанинг эзгу мақсади бўлиши керак. Аксинча, эъти-борсизлик бу саъй-ҳаракатлар самара-дорлигига путур етқа-зиши аниқ.

Шу ўринда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор-нинг шундай ибратли сўзларини келтириш жоиз: "Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига мили-ция ҳўштак чадади-ю, бутун бир тилни бузаё-тган одамларга ҳеч ким ҳўштак чалмайди?" Тўғри, бошқа тилини

нинг саводини ўйла-ганлар. Минг йиллар қаъридан етиб келган Сўз жавоҳирини асраб-авайлаб бизга етказ-ганлар. Уларни ўрга-ниш, нашр этиш, ёлғиз мумтоз адабиётимиз-ни англаш учунгина эмас, турлича ижтимо-ий, илмий-ахлоқий ата-маларни билиш ва ти-лимизга дадил кири-тиш учун керак... Олим-ларимиз зиммасида мумтоз адабиётимиз-нинг мукамал сўзли-гини тузиб беришдек

пухта ўзлаштириш кони фойда. Аммо, ўз тилини мукамал бил-май, бошқа тилни ара-лаштириб сўзлагувчи такаббурлар нафақат она тилига, балки ўзига ҳам хиёнат қил-ган бўлади.

– Бугун "трениров-ка"га боролмайман, – дейди бир ўспирин ўртоқларига. – Сест-рамникида тўй. Пахан ва братанни обориш керак!

Ёки: – Бугун занятияла-

ган нафис сифат бор). Ёки: "Мана бу нозмун-чоқларни қадаб, ёпиш-тириб чиқдик". Қизик, нима учун нозмунчоқ? Ахир, мунчоқ дегани нозик деган маънони билдирмайдими?

Бундай зўрма-зўра-ки сўз ва иборалар дидни, фаросатни ўтмаслаштиришини ўйлаб кўриш керак-ку? Баъзан, ўйлаб-ўйла-май, ноўрин ишлатил-ган сўзлар уларнинг асл маъносини хира-лаштириши ёки умуман

«ЎЗ ТИЛИМДА ГАПИРСАМ МАЙЛИМИ?..»



улкан бурч турибди".

Ҳақиқатан ҳам, ис-тиқололимиз берган имкониятдан оқилона фойдаланиш, бу юксак маънавиятга эришиш учун амалга оширил-ган улкан жасорат, заҳ-матли меҳнат қадрини ошириш барчанинг эзгу мақсади бўлиши керак. Аксинча, эъти-борсизлик бу саъй-ҳаракатлар самара-дорлигига путур етқа-зиши аниқ.

Шу ўринда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор-нинг шундай ибратли сўзларини келтириш жоиз: "Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига мили-ция ҳўштак чадади-ю, бутун бир тилни бузаё-тган одамларга ҳеч ким ҳўштак чалмайди?" Тўғри, бошқа тилини

римиз кўп, тўрт пара, так што ўзинг боравер, днюхага?!

Ана шунақа гаплар... Агар лоқайд бўлмасак, бундай ҳолатларда ўз фикримизни айтолсак, энг кераги шу. Шунда-гина, нафақат тилимиз софлигини асраймиз, балки ўзбек тилини ҳам кўпгина ғализликлар-дан сақлаган бўламиз.

Бу ўринда яна теле-видение ижодкорлари ҳақида гапирмай илож йўқ. Зеро, улар ҳеч қандай тўсиқсиз, тўп-па-тўғри одамлар қал-бига кириб бориш, он-гу шуурига таъсир қилиш имкониятига эгалар.

– Яшил кўзли қалам-қош, – дея мурожаат қилди бир бошловчи (аслида инсон кўзига нисбатан "мовий" де-

акс таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, кўрганини, эшитганини дарҳол илиб оладиган ёшлар тарбиясида бу каби ҳолатлардан ни-ҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур. Бу борада акса-рият кўрсатувларда би-лағонлик билан бурро сўзлаётган бошловчи-лар доно халқимизнинг "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган нақлини унутмаслиги, ҳар бир сўзинг жило-сини йўқотмай талаф-фуз қилиши лозим. Шундагина миллати-миз руҳини, маъна-виятини белгилловчи тилимиз янада тарақ-қий топади, жилола-ниб, дилларни яйрата-ди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

"КАМАЛАК" ЮЛДУЗЛАРИ

Бугунги кунда болалар ва ўсмирларнинг иқти-дор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш мақ-садида турли танловлар ўтказилмоқда.

Жумладан, 10 дан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилаётган "Камалак" юлдузлари" фестивали алоҳида аҳамиятга эга.

Урта Чирчиқ туманида-ги 12-Болалар мусика ва санъат мактабида ушбу фестивалнинг туман бо-сқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги мактабларнинг юзга яқин ўқувчилари иштирок этди. Катнаш-чилар адабиёт, тасви-

Танлов

рий, амалий санъат, рақс, музикаий чолғу ва ижрочилик йўналишлари-да ўзаро беллашдилар. Фестиваль ғолиблари "Камалак" болалар таш-килотининг фахрий ёр-лик ва эсдалик совғала-ри билан тақдирланди-лар.

Чарос ИСРОИЛОВА,
40-мактаб ўқувчиси.

Эълон

"VIP REAL ESTATE" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 23 ноябрь кунини соат 15.00 да мулк бошланғич баҳосини босқичма-бос-қич ошириш тартибидега ўтказилган "Очик аукцион" савдосига "RIXSIEV AKBARJON AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тош-кент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон ҚФЙ ҳудуди бўйича 3,68 Га ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси 2 100 000 сўм бўлган, 50 туп 7-диаметр-гача олхўри, 50 туп 7-8 диаметргача олма ҳамда 100 туп 2 диаметргача олхўри да-рахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйил-моқда. Мазкур даррахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилмай қолган тақдирда тақ-рорий аукцион савдоси 2016 йил 30 ноябрь ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-ўйда, савдо ташкилотининг савдолар за-лида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га сотув нархининг 5 (беш) фоиз миқдоридега комиссия йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдосида ишти-рок этиш учун талабгорлардан аризалар рас-мий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аук-цион савдосида катнашиш истистадидаги та-лабгорлар тузиладиган закалат қелишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқ-дордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсат-ган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "Infinit BANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 хисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳўжжатларни топширишлари керак: аукци-он савдосида катнашиш учун юридик шах-слардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар вако-латли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан пас-порт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳўжжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод ту-мани, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-ўй. Тел.: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия RR 0173.

Шоҳида
МУҲАМАДЖОНОВА,
Оққўрғон тумани давлат
нотариал идораси
нотариуси.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Оҳангарон воҳаси тарихини ўрганишга бел боғлаган қадимшунослар юртимизнинг шимоли-шарқидagi бепоён сарҳадларда кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган тарих тилсимотларига дуч келдилар. Бу ердаги оёқ турмас қияликларда олиб борилган қазилма ишларида топилган ашёларнинг камида 25-35 минг йиллик тарихи бор экан.

Аждодларнинг ўчмас дастхати



Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғидан Лашкараксой бошланади. Унинг ўзанига яқин ҳудудлар тахминан 10-12 аср аввалги кончилар қолдирган тоғ жинслари билан лиммо-лим. Худди шу жойдаги қумушга ниҳоятда бой бўлган кон қадимда "Қўқсим" деб аталган. Унинг шарофати билан Илоқ давлати Шарқда ноёб металл қазиб олинган йирик марказга айланган. Ажабланишли, минг йил аввал бугунгидек қудратли кончилик техникалари бўлмаган. Бироқ, аждодларимизнинг ноёб зеҳни ва тафаккури боис Илоқ металлургия ўрта асрлардаёқ "буюк афсунгарлар" деб ном қозонишган.

Пурвиқор Қурама тоғлари теграсидаги овлоқ жой – Кўлбулоқ дараси воҳанинг энг қадим қўрғонларидан саналади. Бу ерда полиолит даврига мансуб ибтидоий одамлар манзилгоҳи топилган. Тошқуроллар, гулхан куллари Кўлбулоқда 100 минг йил аввал ҳам инсонлар яшаганини англатади. Кўлбулоқ суви турфа маъданларга бой бўлгани учун ниҳоятда шифобахш саналади.

Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари бўйлаб аждодларимизнинг ўчмас дастхати – қоятош битиклари ўрин

олган. Бундай расмларни тизмаларнинг кўп нуқталарида учратиш мумкин. От минган овчилар, камонбозлар, сершоҳ буғлар, тоғ эчкиларининг ноёб тасвирлари ўзига хос санъат галереясини эслатади.

Ҳозирги Қирққиз қишлоғининг шарқий қисмида ўша йилларга доир бетакрор меъморий обида – Қорихона мавжуд. Қадимий аждодларимиз тафаккурининг биллур қирраларини намоиш этидиган бу иншоот нақ мўъжизанинг ўзи. Гап шундаки, обидани қуриш учун дастлаб 16 метрлик сунъий тепалик барпо этилган. Тепаликдан ер остига 4 кириш йўлаги орқали ўтилади. Ерўлани эслатувчи чорқоқна обида ичида оз эмас, кўп эмас 18 ҳужра бор. Ажабтовурлигини қаранг, бу ҳужралар устма-уст, 3 қаватли қилиб жойлаштирилган. Афсуски, бугун уларнинг айримлари ер ўпирилишлари ва тектоник жараёнлар тўғрисида ёпишиб қолган.

Бу нодир обиданинг қачон бунёд бўлгани ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Бироқ, эраиздан аввалги иккинчи асрларда қурилган тахмин қилинади.

– Не бахтки, мустақиллик бизга тарихий илдизларимизни чуқур ўрганиш имконини берди, – дейди "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Зарифа Эшмироваева. – Шунинг шарофати билан ўтган қисқа давр ичида Оҳангарондаги бамисли харабага айланиб қолган бир неча табаррук қадамжоларни қайта тиклашга, обод қилишга муваффақ бўлдик. Бугун бу ердаги Ҳазрати Али, Шоабдумалик ота зиёратгоҳлари хорижий сайёҳлар эътиборини ҳам тортаётди.

Мафтунахон
СУННАТЛЛАЕВА.

Болалар спорти

ЯНГИЙЎЛДА ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

... Бу янгийўллик спорт мураббийи Абдуфаттоҳ Шерматовнинг сўзлари. Тажрибали устоз ўз фикрини давом эттириб, яна шундай дейди:

– Буюк Йўлбошчимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийларни тайёрлаш, терма жамоалар захирасини бойитиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биз эса, яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, ёшларга сабоқ бериб келаямиз. Ютуқ ва муваффақиятларимизнинг сири аслида шунда.

Дарҳақиқат, мураббийнинг сўзларида чуқур маъно бор. Бугун дунё спорт ареналарида қал-

← Бошланғич 1-бета.

бимизни фахр-ифтихорга тўлдириб янграётган мадҳиямиз ва баланд кўтарилаётган байроғимиз давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган юксак эътибор мевасидир. Бунга Янгийўл туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари эришаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўқув юртининг А. Шерматов бошчилигидаги универсал жанг санъати секцияси тарбияланувчилари мамлакат чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаб, терма жамоаларга жалб этилмоқда.

Сўнгги беш йил давомида бу ерда мазкур спорт тури билан шуғулланаётган ёшларнинг 7 нафари Жаҳон, 2 нафари Осиё, 17 нафари Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Мактаб тарбияланувчиларининг 5 нафари эса, 2015-2016 йилларда Анапа, Истанбул, Баку ва Октобе шаҳарларида ўтказилган Халқаро турнирларда совриндорлар сафидан



жой олди. Тажрибали мураббий шогирдлари Муҳаммадали Абдурашидов ва Юсуф Сулаймонов Москва шаҳрида жорий йилнинг 20-26 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, қурамо мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мактабда таълим олаётган 800 дан ортиқ ўқувчи-ёшларнинг ўзи истаган спорт тури

билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Жорий йилда тарбияланувчилар нафақат универсал жанг санъати, балки спортнинг эркин кураш, таэквандо ва бошқа турлари бўйича ҳам мамлакат чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

– Мураббий учун ўз ўқувчисининг муваффақиятини кўришдан катта бахт йўқ, – дейди А. Шер-

матов. – Мактабимиз ўқувчиларининг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари нафақат менинг, балки юртимизда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасидир. Спорт болаларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам муҳим омилдир. У

иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва ҷидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Ниятим, бундан буён ҳам ўзига ишонган, кучли, мард ва қатъиятли ёшларни тарбиялашга, уларнинг сафи кенгайишига ҳисса қўшишдир.

Ҳа, бугун мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдида қўйган мақсадларни рўёбга чиқариш, жаҳон узра Ўзбекистондек қудратли юртнинг муносиб фарзандлари эканини исботлашга аҳд қилган, ҳар томонлама етуқ авлод вакиллари вояга етмоқда. Улар эришаётган ютуқларда Абдуфаттоҳ Шерматов сингари фидойи ва жонқуяр мураббийларнинг муносиб хизматлари бор.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Мансур НАХАТОВ
олган сурат.

Сўраган эдингиз

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИНИ
ТАСДИҚЛАШ

Кейинги пайтлар "қарз шартномаси" деган ибора тез-тез тилга олинаяпти. Ўзаро муносабатларда шундай шартнома мавжудми? Бор бўлса, бундай шартномани тузиш ва тасдиқлаш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.

Зухро ШУКУРОВА,
Паркент тумани "Наврўз" маҳалласи.



Фуқаролик кодексининг 732-моддасига мувофиқ, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки бошқа ашё-қўлланмани берди, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг ҳили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси тарафлардан бирининг талабига биноан хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Бунда нотариус тарафларнинг ҳақиқий истакларини аниқлаши лозим.

Шартномада қарзни қайтариш муддати, жойи ва усуллари нотариус томонидан тушунтирилгани кўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақ-

садида ариза олиши мумкин.

Қарз шартномаси бўйича қарздор шахс тўлов муддатини ўтказиб юборганда, Қонуннинг 73-моддасига мувофиқ, қарз берувчининг илтимосига кўра, нотариус қарздорга мулкни қайтариш ёки қарз суммасини қайтариб бериш тўғрисидаги қарз берувчининг аризасини қарз олган тарафга топширган ҳақида ғувоҳнома бериши мумкин. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда эса нотариус Қонуннинг 76-, 80-моддалари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ижро хатини ёзади.

Қарз шартномаси бўйича шартлар тарафлар томонидан Фуқаролик кодексининг 734-моддасида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Мухаббат ҲАМИДОВА,
Юқори Чирчиқ тумани
давлат нотариал
идораси нотариуси.

Нимкоса

МОШЎРДАНИНГ
ТОШИ...

Бехрузниқиди бугун ҳашар. Ота-уйидан сал нарида эгасини кутиб ётган бир бўш ер бор экан, унга асос қилиди. Ҳа, отасининг ҳай-ҳайи билан йиққан терганига туғишганлар ҳам қарашиб юборишди-ю, ҳовли-жойли бўлиб қолди. Уйнинг пойдеворини ҳам кўп-лашиб, бир пасда қўйиб ташлашди, азаматлар.

Ҳашарчи ошна-оғайнилар ҳовли ўртасига омонатгина ўрнатилган супага жойлашди. Паловхонтўрадан олдин "таббосди" бўлсин, деб келин бола гуручлари эзилиб пишган мошўрдани оппоқ қатиклаб, дастурхонга узатди. Мошўрданинг ошқўқлари бўй таратиб, иштаҳаларни қарнай қилди. Бехруз, айникса, очичқан, чунки етмай қолган цементни топиб келиш учун

нонушта ҳам қилмаган эди. Хуллас, у мошўрдани ююқиб ича бошлади-ю, тишига қаттиқ теккан тошдан ижирганиб, атрофга назар ташлади. Бошқалар бамай-

лихотир овқатланишаётганини кўриб, ҳеч кимга сездирмай, мошўрдани тез-тез ичиб, чой қуймоқчи бўлди.

Мазали таом кайфиятни кўтариб юборади, айникса, очичқан пайтда. Бехруз ҳам ўчоқда ошнинг зирвагини тайёрлаётган хотинига меҳр билан боқар экан, бирдан

оғзида яна нимадир қарс этди. Иккинчи бор тишга теккан тош мошдан катта экан, тиши синай деди, боши зирқираб кетди.

Шунақа пайтларда ҳар қандай одам оғриқни унутиш, ҳовурдан тушиш учун кимнидир, айникса, овқат қилган хотинини бисотидаги бор "чиройли" сўзлар билан сийлаши табиий. Аммо, Бехруз "қопиб" гапиришга ўрганмаган. Қолаверса, ҳашарчи оғайнилари, сал нарида уларга разм солиб ўтирган онажониси...

Лекин, нимадир дегиси келди. Ахир, оғриқ миёғача етиб борди-да... Алампидан хотинига ўқрайиб қаради-да: "Бундан кейин мошўрданинг тошини алоҳида косага сузиб келинг, хотин-жон", деди сикингина...

Сайёра ЭШМАТОВА.



ХУРРАК БАЛОСИДАН ҚУТУЛДИК

Хонадошингизнинг қаттиқ хурраги мириқиб ухлагша ҳалал берадими? Унда бу кашфийёт айнан сиз учун.



Исроиллик олимлар хуррак отувчи инсонларнинг сокин уйқусини таъминлашга ёрдам берадиган қурилмани ишлаб чиқишди. Ушбу гаджет – Silent Partner ("Қамгал ҳамкор") деб номланади.

Кўринишдан пенсне-кўзойнақларини эслатувчи қурилма иккита бир-бири билан боғланган сенсордан иборат.

Хуррак пайдо бўлганда, сенсор товуш тўлқинининг амплитудаси ва частотасини тутати, унинг ўрнига эса тескари фаза тебранишларига эга тўлқинни юборади. Натижада, товуш тўлқинлари бир-бирини ин-

терференция принципида сўндиради ва хуррак овози босилади. Қурилма бутун тунга етадиган ички аккумулятордан қувватланади.

Таъкидлашчи, мазкур ихтиро фақатгина хуррак овози йўқ қилади, лекин унинг сабабига мутлақо таъсир қилмайди.

NASA коинот радиацияси лабораториясида жониворлар ионлашган кислород ва титан зарралари билан нурлантирилади. Инсон узок вақт коинот кенгликларида бўлганда айнан шундай таъсирга дуч келади.

Орадан 6 ой ўтиб, олимлар миёда қатор яллиғланиш жараёнлари мавжудлиги, шунингдек, асаб тоналари жиддий шикастланганини қайд этишди. Бу сичконларнинг хотираси ва ўрганиш қобилияти сусайишга олиб келди. Шунингдек, уларда хавотир кучайган, ўзларини туттишлари эса бечаранжом бўлиб қолди.

ОЛИС САЙЁРАЛАР АҚЛИЙ
ЗАИФЛИККА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Калифорния университетини олимлари тажриба сичконлари мисолида юқори энергияли зарраларнинг миёга таъсирини ўрганди.



Олимлар космонавтларни Кўёш радиацияси зарралари оқимидан ҳимоя қилиш йўллари қидирмоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур муам-

мони ечишининг турли усуллари, жумладан, корпус учун махсус химоя материаллари тайёрлаш ва магнит қалқон яратиш таклиф этилмоқда.

лект ва нейрон тармоқлар технологияларидан фойдаланиб, суратни маълумотлар базасидаги 100 минг тасвир билан солиштиради ва натижа эълон қилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, бу функциянинг аниқлиги 87,3-97,1 фоизни ташкил қилади.

Фирдавс РАВШАНОВ
тайёрлади.

ни ҳам кўрсатиш лозим.

Таом суратга олингандан кейин "Lose It!" дастури сунъий интел-

лект ва нейрон тармоқлар технологияларидан фойдаланиб, суратни маълумотлар базасидаги 100 минг тасвир билан солиштиради ва натижа эълон қилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, бу функциянинг аниқлиги 87,3-97,1 фоизни ташкил қилади.

Фирдавс РАВШАНОВ
тайёрлади.

ТАОМ КАЛОРИЯСИНИ АНИҚЛОВЧИ ИЛОВА

"Lose It!" мобил иловаси ортикча вазини назорат қилиш учун янги функцияга эга бўлди. Эндиликда ушбу дастур ёрдамида нонуштангизни суратга тушириб, ундаги калория миқдори ҳақида маълумот олишингиз мумкин бўлади.

"Lose It!"нинг хотира базаси минглаб махсулот номлари ва таомнинг калориясига оид маълумотларни ўзида жамлаган. Бу эса илованинг овқатланиш тартибини назоратга олиши ва жис-

моний машқлар дастури-ни яратишга ёрдам беради.

Дастурнинг энг сўнгги версияси бу жараённи максимал даражада соддалаштиради. Эндиликда фойдаланувчи тановул

қилаётган егулигини суратга тушириши ва иловадан у ҳақидаги керакли маълумотни олиши мумкин.

Бундан ташқари, таомнинг тахминий оғирлиги-



ни ҳам кўрсатиш лозим.

Таом суратга олингандан кейин "Lose It!" дастури сунъий интел-



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манъилими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мушаххис
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ